



QAROR

Toshkent sh.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

г. Ташкент

2018 y. «28» февраль dagi MTR. 009.2016 onli

**«Ихчам (модул) стационар ва кўчма газ билан тўлдириш компрессор
шоҳобчаларидан хавфсиз фойдаланиш тўғрисида»ги
Махсус техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида**

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига мувофиқ ихчам (модул) стационар ва кўчма газ билан тўлдириш
компрессор шоҳобчаларидан хавфсиз фойдаланишга қўйиладиган ягона
талабларни белгилаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги қарор қиласди:

1. «Ихчам (модул) стационар ва кўчма газ билан тўлдириш компрессор
шоҳобчаларидан хавфсиз фойдаланиш тўғрисида»ги Махсус техник регламент
иловага мувофиқ тасдиқлансан ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

2. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентларни амалга
киритилиши муносабати билан уларда кўрсатилган маҳсулот ва ҳизматларни
стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар
мажбурийлик тусини йўқотиши ва белгиланган тартибда қўллашнинг
ихтиёрийлик тусига эга бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармаси, Стандартлаштириш,
давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси, «Ахборот-маълумот маркази»
Давлат корхонаси, «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси билан
биргаликда уч ой муддатда ушбу қарор билан тасдиқланган Махсус техник
регламент белгиланган тартибда амалга киритилган кундан бошлаб ихчам
(модул) стационар ва кўчма газ билан тўлдириш компрессор шоҳобчаларидан
хавфсиз фойдаланишга қўйиладиган мажбурий талабларни белгиловчи
стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни қўллашда мажбурийлик
тусини бекор қилиш ва ихтиёрийликни таъминлаш чораларини кўрсин.

4. «Ўзстандарт» агентлиги (Мелибоев, Расулов), худудий
стандартлаштириш ва метрология бошқармалари «Саноатгеоконтехназорат»
Давлат инспекцияси билан биргаликда тасдиқланган Махсус техник
регламентнинг мақсадлари, мазмuni ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли ва
тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор
ўринбосари Ж. Шукуров зиммасига юклансин.

Бош директор

А. Каримов